

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИНИНГ ХОТИН-ҚИЗЛАР МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА ИНСПЕКТОРЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ БОШҚАРИШНИНГ МОДДИЙ-ТЕХНИК АСОСЛАРИ

Реймкулова Хурзада Ханузатдиновна

Қорақалпоғистон Республикаси ИИВ жамоат хавфсизлик хизмати

*Хуқуқбузарликлар профилактикаси бошқармаси хотин кизлар масалалари бўйича
ўринбосари*

Аннотация: ушбу тезисда ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларининг фаолиятини бошқаришнинг моддий-техник асослари таҳлил этилган. Хотин-қизлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларга нисбатан зўравонликни олдини олиш ва жамиятдаги тенгликни таъминлаш мақсадида инспекторлар томонидан олиб бориладиган ишлар, замонавий моддий ва техник ресурслар билан таъминланиши керак. Моддий-техник база, шу жумладан, инспекторларнинг тадбирларни самарали ўтказишлари учун керакли қурилмалар, мутахассислар, тренинглар ва методик материалларни қамраб олади. Ушбу тадқиқотда, шунингдек, ҳуқуқий асослар, жамиятдаги умумий маданият, ва инспекторлар фаолияти самарадорлигини ошириш учун керакли стратегиялар муҳокама қилинган.

Калит сўзлар: ички ишлар органлари, хотин-қизлар масалалари, инспекторлар фаолияти, бошқариш, моддий-техник асослар, ҳуқуқий ҳимоя, зўравонликни олдини олиш, тенглик, ресурслар, самарадорлик, стратегиялар, амалий маслаҳатлар

Аннотация: в данной дипломной работе анализируются материально-технические основы управления деятельностью инспекторов органов внутренних дел по женским вопросам. В целях защиты прав женщин, предотвращения насилия в отношении них и обеспечения равенства в обществе работа инспекторов должна

быть обеспечена современной материально-технической базой. Материально-техническая база, включая необходимые приборы, специалистов, включает обучение и методические материалы. В этом исследовании также обсуждаются правовые рамки, общая культура общества и необходимые стратегии для повышения эффективности инспекторов.

Ключевые слова: органы внутренних дел, женские вопросы, деятельность инспекторов, управление, материально-техническая база, правовая защита, профилактика насилия, равенство, ресурсы, эффективность, стратегии, практические советы.

Abstract: this thesis analyzes the material and technical bases of the management of the activities of inspectors of internal affairs bodies on women's issues. In order to protect the rights of women, prevent violence against them and ensure equality in society, the work carried out by inspectors should be provided with modern material and technical resources. The material and technical base, including the necessary devices, specialists, covers training and methodical materials. This study also discusses the legal framework, the general culture in the community, and the necessary strategies to improve the effectiveness of inspectors.

Keywords: internal affairs bodies, women's issues, activities of inspectors, management, material and technical bases, legal protection, violence prevention, equality, resources, efficiency, strategies, practical advice

Соҳани давр талабига мос бино, транспорт, техника ва алоқа воситалари, иш жиҳозлари, замонавий технологиялар ва дастурлар билан таъминлашни назарда tutuvchi moddiy-texnikaaviy taъminot – ИИОдаги бошқарувнинг муҳим функцияси ҳисобланади.

Шу боис, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чора-тадбирлари

тўғрисида»ги ПФ-5005-сон (2017 йил 10 апрель) фармонида ИИО фаолиятининг моддий-техник таъминотини янада яхшилаш, ходимларнинг самарали ишлаши учун муносиб шарт-шароитлар яратиш, уларни хизмат турар жойлари билан таъминлаш ИИО тизимини ислоҳ қилишнинг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида белгиланди¹.

Бундан ташқари, давлат раҳбари томнидан ички ишлар органлари фаолияти самарадорлигини ошириш учун «Ички ишлар органларини, айниқса, профилактика, жиноят қидирув, тергов, йўл-патруль ва патруль-пост хизмати бўлинмаларини замонавий техника, ахборот коммуникация тизимлари ва махсус воситалар билан таъминлашни янада кучайтириш» вазифасига алоҳида эътибор қаратишимиз лозимлиги таъкидланди².

ИИО фаолиятининг самарадорлигига таъсир кўрсатувчи бир қатор омиллар мавжуд бўлиб³, улар орасида моддий-техник таъминот муҳим ўрин тутади. Тизим самарадорлигини таъминлашда моддий-техник таъминотнинг ўрнини бу борада тадқиқотлар олиб борган бир қатор олимлар ҳам таъкидлашган. Жумладан, М.М. Курманов ва И.Х. Миннегуловлар ИИОнинг самарали фаолияти бошқа омиллар қатори кўп жиҳатдан тизимнинг молиявий ва моддий-техник таъминланганлик ҳолатига боғлиқ эканини қайд этишган бўлса⁴, яна бир тадқиқотчи Е.Е. Новичкова ИИО ходимларининг касбий фаолиятини тўғри ташкил этишнинг асосий талаблари қаторида моддий-техник таъминотни ҳам келтириб ўтади⁵.

Бевосита Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари фаолиятида моддий-техник таъминоти хусусида сўз борар экан, ўтган

¹Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-м.

²<https://president.uz/uz/lists/view/3913>

³Бельский К.С., Елисеев Б.П., Кучеров И.И. О системе специальных методов полицейской деятельности // Государство и право. 2003. – № 4. – С. 11.

⁴Курманов М.М., Миннегулов И.Х. О некоторых во просах финансового материально - технического обеспечени я подразделений полиции органами местного самоуправления // Вестник Омского юридического института. – Омск, 2010. – № 2 (13) – С. 23.

⁵Новичкова Е.Е. Организация деятельности сотрудников органов внутренних дел // Правопорядок: история, теория, практика. – Восточно-Сибир, 2017. – № 1. (12). – С. 17.

йиллар давомида олиб борилган ислохотлар натижасида соҳада бир қатор тизимли ва изчил чора-тадбирлар амалга оширилди. Хусусан: *биринчидан*, Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларининг касбий тайёргарлигини ошириб боришга хизмат қилувчи махсус жиҳозланган синф хоналари, маърифат хонаси, ётоқхона ва бошқа хизмат хоналари ажратилган.

Бундан ташқари, бугунги кунда Республиканинг айрим ҳудудлар Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари замонавий автомашиналар билан таъминланган⁶; Назаримизда, Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари фаолиятини янада самарали фойдаланиш мақсадида, уларнинг сонини ошириш ва Республиканинг бошқа ҳудудларига ҳам жорий қилиш мақсадга мувофиқ.

Республикада жорий йилнинг 6 оyi давомида оила ва хотин-қизлар билан ишлаш, уларнинг муаммоларига тизимли ечим топиш, тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш, бандлигини таъминлаш ҳамда уларга моддий, ижтимоий ва бошқа турдаги ёрдам кўрсатиш бўйича комплекс ташкилий ва профилактик чора-тадбирлар амалга оширилди.

Фикримизча, амалиёт натижалари ва юқоридаги таҳлиллардан келиб чиқиб, зўравонлик содир этган ёки содир этишга мойил бўлган шахслар тузатиш дастуридан ўтиш ҳақидаги маълумотлар ягона маълумотлар базасига реал вақтда киритиб бориш тизими йўлга қўйиш зарур; *иккинчидан*, хотин-қизлар масалалари бўйича катта инспекторларининг фаолиятини инсон омилисиз холисона баҳолаш ҳамда уларни иш самарадорлигини ошириш мақсадида электрон баҳолаш КРІ тизимини яратиш лозим.

Назаримизда, хотин-қизларга нисбатан тазйиқ ва зўравонликни олдини олиш мақсадида, “Обод ва хавфсиз маҳалла” тамойили асосида республика

⁶В Ташкенте появился патруль на мотороллерах // [Электрон манба]. – URL: <https://gazeta.uz/ru/2018/04/30/patrol/> (мурожаат вақти: 19.12.2019).; Нукусда отлик ва велосипедли патруль хизмати йўлга қўйилди // [Электрон манба]. – URL: <http://uza.uz/oz/society/nukusda-otli-va-velosipedli-patrul-khizmati-y-lga-yildi-13-02-2018> (мурожаат вақти: 19.12.2019); Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш – олий бурчимиз // Постда. № 9. – Т; – 2020. – 6 авг.

маҳаллаларида хавфсиз муҳитни яратишга қаратилган “E-ijtimoiy profilaktika” электрон ахборот тизимида тазйиқ ва зўравонлик содир этган шахслар билан якка тартибда ишлаш бўйича “E-tuzatish dasturi” янги тизимини яратиш бўйича чоратадбирларни белгилаш мақсадга мувофиқ.

Тадқиқот жараёнида Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларининг қай даражада моддий-техник таъминланганлиги хусусида сўралганда иштирокчиларнинг 42,1 % уларнинг самарали фаолият олиб бориши учун талаб даражасида шароитлар яратилганлиги, 35,4 % моддий-техник таъминот ўртача даражада эканлиги, 23,5 % моддий-техник жиҳатдан замон талаби даражасида таъминланмаганлигини таъкидлаган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, олиб борилган тадқиқотлар ва статистик маълумотлар таҳлили ҳозирда Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари моддий-техник таъминотида юқоридаги ютуқлар билан бир қаторда муайян муаммо ва камчиликлар ҳам мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан:

1. Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари фаолиятида инновацион технологиялар ва махсус дастурий тизимларни етарли даражада татбиқ этилмаган. Холбуки, америкалик тадқиқотчи Кевин Стром тўғри таъкидлаганидек, Полиция фаолиятининг самарадорлиги ва ходимларининг юқори касбий даражаси замонавий технологияларни кенгрок жорий этиш билан боғлиқдир⁷.

Фикримизча, Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари фаолияти самарадорлигини ошириш мақсадида, соҳага илғор инновацион технологиялар ва махсус дастурий тизимларни кенг татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир. Буни тадқиқот жараёнида сўралганларнинг 84,3 % ҳам маъқуллаган.

⁷Kevin Strom. Research on the Impact of Technology on Policing Strategy in the 21st Century // 2016. – В. 7. [Электрон манба]. – URL: <https://www.ncjrs.gov/pdffiles1/nij/grants/251140.pdf> (мурожаат вақти: 05.11.2019).

Тадқиқот жараёнида Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторлари фаолияти давомида тан жароҳати олган ёки биринчи тиббий ёрдамга муҳтож аҳволга тушиб қолган шахсларга дуч келгани ёки йўқлиги, бу ҳолатда қандай йўл тутгани хусусида сўралганда иштирокчиларнинг 67,5 % шундай ҳолатга дуч келгани ва ўз навбатида биринчи тиббий ёрдам кўрсатганини таъкидлаган.

Фикримизча бу борада Ички ишлар органларининг хотин-қизлар масалалари бўйича инспекторларига алоҳида ўқув курслари ташкил қилиниб қўшимча билимлар бериб борилиши манфаатли деб ўйлаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 15-сон, 243-м. <https://president.uz/uz/lists/view/3913>
2. *Бельский К.С., Елисеев Б.П., Кучеров И.И.* О системе специальных методов полицейской деятельности // Государство и право. 2003. – № 4. – С. 11.
3. *Курманов М.М., Миннегулов И.Х.* О некоторых во просах финансового материально - технического обеспечения подразделений полиции органами местного самоуправления // Вестник Омского юридического института. – Омск, 2010. – № 2 (13) – С. 23.
4. *Новичкова Е.Е.* Организация деятельности сотрудников органов внутренних дел // Правопорядок: история, теория, практика. – Восточно-Сибир, 2017. – № 1. (12). – С. 17.
5. В Ташкенте появился патруль на мотороллерах // [Электрон манба]. – URL: <https://gazeta.uz/ru/2018/04/30/patrol/> (мурожаат вақти: 19.12.2019).;
6. Нукусда отлик ва велосипедли патруль хизмати йўлга қўйилди // [Электрон манба]. – URL: <http://uza.uz/oz/society/nukusda-otli-va-velosipedli-patruul-khizmati-y-lga-yildi-13-02-2018> (мурожаат вақти: 19.12.2019);
7. Фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш – олий бурчимиз // Постда. № 9. – Т; – 2020. – 6 авг.